



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтути ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Bозor mexanizmlarini takomillashtirishda iste‘molchilarning sodiqligidan foydalanish yo‘llari	155
Нилуфар Абдуазизовна Рахимова Замонавий ташкилотларда бошқарув тузилмаларининг аҳамияти ва турлари	158
Ирода Аминжоновна Умурзакова Рекламная деятельность в экономике: проблемы и перспективы	162
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Эркин Норматович Ходжаев, Зухур Давронович Ниёзов, Ойбек Эркинович Ходжаев Молиявий ресурсларни кўпайтиришда вексель муомаласидан фойдаланиш	166
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Азимжон Фаррухович Мустафоев Республика миллий иқтисодиётида нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятлари	171
Azamat Abdiraximovich Eshonqulov Tarkibida sho‘ba korxonasi bor korxonalarda konsolidatsiyalashgan MНXS asosida tuzish uslubiyotini takomillashtirish	177
Maуram Xamidovna Xalimova Aksiyadorlik jamiyatlarining auditorlik tekshiruvida yuzaga keladigan muammolari va istiqbollari	182
Заррух Умарович Мухаммадиев Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш: халқаро ва миллий жиҳатлар	188
Dilfuza Samiddinovna Tashnazarova Process costing tizimini takomillashtirish masalalari	193
Iroda Boykobilova Issues of bringing accounting and reporting of economic entities into line with national and international standards.	196
Тоҳир Толмас ўғли Сатторов Корхоналарда пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобининг хусусиятлари	201
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Дилобар Караматовна Гафурова Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	205
Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova O‘zbekistonning barqaror rivojlanishida bilimlar iqtisodiyotining ahamiyati	210
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Таълим хизматлари бозорини таҳлил қилишда корреляция таҳлилини қўллаш амалиёти	214
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ҳаёт ҳақида мутафаккирлар ҳикматлари	217

Заррух Умарович Мухаммадиев – СамИСИ докторанти, PhD

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ЖИҲАТЛАР

Аннотация. Мақолада капитал инвестициялар ҳисобининг ҳозирги ҳолати, корхоналарда уларнинг ҳисобини юритиш бўйича рўй бераётган амалий муаммолар, рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда ишлаб чиқилган йўриқномалар, ушбу ҳужжатларда келтирилган капитал инвестицияларни тартибга солишга доир қоидаларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган тартиб-қоидалар билан солиштириш орқали капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш йўллари каби масалалар келтирилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, рақамли иқтисодиёт, инвестициялар, капитал инвестициялар, асосий воситалар, номоддий активлар, капитал инвестициялар ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби, капитал инвестициялар, молиялаштириш манбалари.

Кириш. Рақамли иқтисодиёт шароитида капитал инвестициялар ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлиб ҳисобланади. Капитал инвестициялар корхоналарга ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолиятларини кенгайтириш, янги – инновацион маҳсулот ва хизматларни жорий этиш, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ошириш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардошликни сақлаб қолиш имкониятини беради. Капитал инвестицияларнинг корхоналарга кўрсатадиган бундай ижобий таъсири, албатта, мамлакат миллий иқтисодиётининг ўсишига ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонида мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш натижасида унинг даромадини ривожланган ва барқарор давлатлар қаторида бўлишини таъминлаш, миллий иқтисодиёт ҳажмини 2030 йилга қадар икки баробар ошириш, шунингдек, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида “Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўртача 7 фоиз атрофида ўсишини таъминлаш”¹ каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида бу каби вазифаларнинг тегишли ташкилот ва идоралар олдида қўйилиши, бугунги кунда капитал инвестицияларга оид масалаларнинг қанчалик даражада муҳимлигидан, мамлакатда инвестицион сиёсатнинг муҳим стратегия таркибидан ўрин олганлигидан далолат беради, деб бемалол айтиш мумкин.

Юқоридаги долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда капитал инвестициялар бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида шундай хулосага келдикки, капитал инвестициялар корхоналарга иқтисодий томондан наф келтирсада, бироқ иккинчи томондан унинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуддир. Биринчидан, корхоналарга капитал инвестицияларни жорий этиш ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришга, натижада эса, корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ошишига, уларнинг сифатини яхшилашга, қолаверса меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келади ва натижада корхонада фойда кўрсаткичларнинг ошиб боришига хизмат қилади. Бироқ, шундай бўлсада айрим вазиятларда капитал инвестицияларга сарфланган харажатлар корхонага пул оқимининг танқислигига олиб келиши мумкин. Бундай вазиятда корхона ташқи молиялаштириш манбаларига муҳтож бўлиб қолади. Иккинчидан, корхоналарга капитал инвестициялар киритилгандан кейин унинг таъсири узоқ муддатдан кейин намоён бўлади. Бу эса, инвестиция киритган субъектларнинг ушбу давр оралиғидаги даромадларини пасайтиришга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, корхоналарда капитал инвестицияларни киритишда ҳисоб-китоб ишларини оптимал тарзда амалга ошириш, капитал инвестициялар ҳисобини тўғри ва ўз вақтида юритиш, улар бўйича ахборотларни молиявий ва бошқарув ҳисобот шаклларида шаффоф акс эттириш муҳимдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2023 йил 11 сентябрь. ПФ-158.

Тадқиқот методологияси. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, киёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикаси “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда инвестицияларнинг объектига кўра турлари қуйидагича таснифланган: капитал инвестициялар, молиявий инвестициялар ва ижтимоий инвестициялар¹. Инвестицияларнинг ушбу турлари бўйича мамлакатимизнинг кўплаб олимлари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, мамлакатимиз олимларидан Б.Ф.Боронов² молиявий инвестициялар ҳисоби бўйича илмий изланишлар олиб борган бўлиб, унинг тадқиқот ишида молиявий инвестициялар молиявий инструментларнинг таркибий қисми сифатида тадқиқ этилган ҳамда уларнинг ҳисобини такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур тадқиқот ишида халқаро таълимотда молиявий инвестицияларнинг молиявий активларнинг таркибий қисми сифатида белгиланганлиги ҳисобга олинган ҳолда молиявий инвестицияларни ҳиссали қатнашиш методи асосида баҳолашнинг услубий тартиб-қоидалари, уларнинг молиявий ҳисобот шаклларида халқаро талабларга мувофиқ тарзда акс эттириш масалалари ёритилган. Олимнинг тадқиқот ишлари бугунги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш шароитида муҳим ҳисоблансада, бироқ тадқиқот объекти сифатида қаралган инвестицияларнинг маълум бир қисми ҳисоб объекти сифатида тадқиқ этилган.

Бошқа иқтисодчи олим О.И.Очилов³ эса, ўзининг илмий тадқиқот ишида инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи, уларни таснифлаш асослари, таҳлили, инвестицияларга оид ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқиш, инвестицияларнинг омили таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Тадқиқот ишида кўрилган энг муҳим жиҳат шундаки унда ижтимоий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлиliga оид тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, инсон капиталига қилинган инвестицияларни ижтимоий инвестициялар таркиби сифатида баҳолаган ҳамда уларнинг ҳисоби ва таҳлиlinи такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. Бундан кўриниб турибдики, олим инсон капиталига қилинган инвестицияларни инвестицияларнинг алоҳида бир тури сифатида эътироф этиб, илмий тадқиқот ишида асосан шу мавзу тадқиқ этилган. Бироқ, инвестицияларнинг асосий турларидан бири ҳисобланган капитал инвестициялар ҳисоби бўйича фақатгина, капитал инвестицияларнинг тавсифи ва таснифи ўрганилган бўлиб, унинг ҳисоб объекти сифатидаги бошқа жиҳатлари илмий тадқиқот ишида етарлича ўрганилмаган, деган хулосага келинди.

Маҳаллий олимларимиздан О.Т.Астанакулов⁴ тадқиқот ишида инвестициялар ҳисоби ва таҳлили бўйича умумий ёндашувларни амалга оширган бўлиб, инвестиция фаолияти, инвестиция сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишлари, инвестиция лойиҳалари ва самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш, ҳамда таҳлил қилиш, корхоналарда инвестиция самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар таъсири ва уларни ҳисоб-китоб қилиш йўллари, хўжалик юритувчи субъектларда пул оқимларига оид инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш каби масалалар тадқиқ этилган. Олимнинг тадқиқотлари асосида эришган ушбу натижаларидан кўриш мумкинки, инвестициялар фақатгина таҳлил объекти сифатида ўрганилган бўлиб, бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида унинг таркибий қисмлари, хусусан, капитал инвестициялар ҳисоби илмий тадқиқот ишида тадқиқ этилмаган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 598-сон.

² Боронов Б.Ф. Корхоналар молиявий активлари ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2021, 150 б.

³ Очилов О.И. Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлиlinи такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Т.: 2021, 228 б.

⁴ Астанакулов О.Т. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлиli методологиясини такомиллаштириш. –Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси, 2020, 225 б.

Таҳлил ва натижалар. Юқорида номлари зикр этилган олимлар томонидан эътироф этилган илмий ишлар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга хизмат қилсада, бироқ капитал инвестицияларни рақамли иқтисодиёт шароитидаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, уларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришга оид муаммолар ҳали ҳамон мавжуд. Шунинг учун, биз, ушбу тадқиқот ишимизда, капитал инвестицияларга оид халқаро тажрибаларда келтирилган, ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисобига оид стандартларни тадқиқ этдик.

Бугунги кунда, инвестицияларнинг манбаларда келтирилган иккита тури бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида ҳисобга олинади. Булар: молиявий инвестициялар ва капитал инвестициялар. Молиявий инвестициялар мамлакатимизда 12-сон “Молиявий инвестицияларларни ҳисобга олиш” бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти асосида тартибга солиниб, унда “хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) даромад олишга мўлжалланган, инвестиция қилинган капитал қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компаниянинг бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар”¹ деб таъриф берилган. Мазкур стандартда молиявий инвестицияларни таснифлаш, баҳолаш, қайта баҳолаш, уларни сотиш ва ўтказиш ҳамда молиявий ҳисобот шаклларида молиявий инвестицияларни ёритиш масалалари келтирилган. Бироқ, капитал инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифий масалалари миллий стандартларимизда келтирилмаган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида эса, инвестициялар молиявий активларнинг алоҳида тури сифатида ҳисобга олиниб, уларни тартибга солиш учун ишлаб чиқилган 25-сон “Инвестициялар ҳисоби” БҲХС бугунги кунда бекор қилинган. Молиявий активлар эса, молиявий инструментларнинг таркибига кирганлиги боис молиявий инструментларга оид ишлаб чиқилган 7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: ахборотларни очиклаш”, 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар” ва бошқа МҲХСлар асосида тартибга солинади. Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда, капитал инвестициялар, уларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифий масалаларини ёритувчи миллий ва халқаро стандартлар мавжуд бўлмай, капитал инвестицияларнинг таснифий асосларини рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқиш ҳам назарий, ҳам илмий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Капитал инвестициялар ҳисоби мамлакатимизда ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тартибга солиниб, бу борада қуйидаги стандартлар мавжуд (1-жадвал):

1-жадвал

Капитал инвестициялар ҳисобига оид ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари билан солиштириш жадвали²

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари	Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари
Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари	Молиявий ҳисобот тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари
1-сон БҲХС (IAS) “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”	1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”
2-сон БҲХС (IAS) “Заҳиралар”	4-сон БҲМС “Товар-моддий заҳиралар”
8-сон БҲХС (IAS) “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”	1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”
12-сон БҲХС (IAS) “Фойда солиғи”	
16-сон БҲХС (IAS) “Асосий воситалар”	5-сон БҲМС “Асосий воситалар”
21-сон БҲХС (IAS) “Валюта курслари ўзгаришининг таъсири”	22-сон БҲМС “Хорижий валютада ифодаланган активлар ва мажбуриятлар

¹ 12-сон БҲМС “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” // АВ томонидан 16.01.1999 й. 596-сон билан рўйхатга олинган.

²Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	ҳисоби”
23-сон БҲХС (IAS) “Қарзлар бўйича харажатлар”	24-сон БҲМС “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби”
29-сон БҲХС (IAS) “Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот”	
34-сон БҲХС (IAS) “Оралиқ молиявий ҳисобот”	3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”
38-сон БҲХС (IAS) “Номоддий активлар”	7-сон БҲМС “Номоддий активлар”
40-сон БҲХС (IAS) “Инвестициявий мулк”	
41-сон БҲХС (IAS) “Қишлоқ хўжалиги”	
1-сон МҲХС (IFRS) “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”	
	15-сон БҲМС “Бухгалтерия баланси”
	21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”
13-сон МҲХС (IFRS) “Ҳаққоний қийматда баҳолаш”	
16-сон МҲХС (IFRS) “Ижара”	6-сон БҲМС “Ижара ҳисоби”

Ушбу жадвалда келтирилган капитал инвестицияларга доир молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини тадқиқ қилиш асосида шундай фикр-мулоҳазаларга келиндики, бугунги кунда, мамлакатимизда капитал инвестициялар ҳисобини ҳам илмий ва ҳам назарий жиҳатдан такомиллаштириш лозим. Хусусан, бугунги рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналарда амалга оширилаётган капитал инвестицияларни бухгалтерия ҳисобида юритиш, уларни илғор тажрибаларга мувофиқ ҳолда молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари ҳамон очиклигича қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб боришни долзарб қилиб қўймоқда.

Хулоса ва таклифлар. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида биз томонимиздан қуйидаги илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида айнан капитал инвестициялар ҳисобига мансуб бўлган алоҳида стандартлар ишлаб чиқилмаган бўлсада, бироқ халқаро ва миллий ҳисоб таълимотида капитал инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг ажралмас объекти сифатида тан олиниб, корхона активи ҳисобланади.

Иккинчидан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида капитал инвестициялар ҳисобига оид тартиб-қоидалар, хусусан корхоналарга капитал инвестицияларни амалга ошириш натижасида кирим қилинган активларни уларнинг бошланғич қиймати бўйича баҳолаш масалалари келтирилган. Жумладан, асосий воситаларнинг бошланғич қийматини баҳолаш қоидалари 16-сон БҲХС (IAS) “Асосий воситалар”, номоддий активларнинг бошланғич қийматини баҳолаш масалалари 38-сон БҲХС (IAS) “Номоддий активлар”, узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини баҳолаш тартиблари эса, 16-сон МҲХС (IFRS) “Ижара” каби халқаро стандартлар асосида тартибга солинади.

Учинчидан, капитал инвестицияларни молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича тартиб-қоидалар эса, 1-сон БҲХС (IAS) “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”, 8-сон БҲХС (IAS) “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”, 29-сон БҲХС (IAS) “Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот”, 34-сон БҲХС (IAS) “Оралиқ молиявий ҳисобот” каби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида ёритилган.

Тўртинчидан, корхоналарда хорижий валютада амалга оширилган капитал

инвестициялар ҳисобига оид операциялар натижасида вужудга келган курс фарқлари бўйича харажатларни капитализация қилиш тартиб-қоидалари бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномаларда назарда тутилмаган бўлсада, бироқ ушбу жиҳатлар 21-сон БҲХС (IAS) “Валюта курслари ўзгаришининг таъсири” молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартида акс эттирилган.

Бешичидан, корхоналарда капитал инвестициялар асосан банк кредитлари ва бошқа корхоналардан олинган қарзлар эвазига амалга оширилиб, ушбу мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоиз кўринишидаги харажатларни ҳисобга олиш, уларни капитализация қилиш тартиб-қоидалари 23-сон БҲХС (IAS) “Қарзлар бўйича харажатлар” халқаро стандартида келтирилган.

Олтинчидан, Республикада бугунги кунга қадар бухгалтерия ҳисоби бўйича ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда миллий стандартларимизда биологик активларни ҳисобга олиш, уларнинг таркибий қисмларини белгилаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш масалалари кўзда тутилмаган бўлиб, халқаро таълимотда эса, ушбу масалалар 41-сон БҲХС (IAS) “Қишлоқ хўжалиги” халқаро стандартида батафсил ёритилган.

Тадқиқотларимиз давомида эришилган натижалар асосида хулоса қилиб айтиш жоизки, бугунги рақамли ва яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхоналарда капитал инвестициялар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2023 йил 11 сентябрь. ПФ-158.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 598-сон.
3. Боронов Б.Ф. Корхоналар молиявий активлари ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2021, 150 б.
4. Очиллов О.И. Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. -Т.: 2021, 228 б.
5. Астанакулов О.Т. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш.-Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси, 2020, 225 б.
6. 16-сон БҲХС (IAS) “Асосий воситалар”
7. 38-сон БҲХС (IAS) “Номоддий активлар”
8. 16-сон МҲХС (IFRS) “Ижара”
9. 21-сон БҲХС (IAS) “Валюта курслари ўзгаришининг таъсири”
10. 41-сон БҲХС (IAS) “Қишлоқ хўжалиги”

<p style="text-align: center;">З.Мухаммадиев</p> <p style="text-align: center;">Совершенствование учета капитальных инвестиций на основе международных стандартов финансовой отчетности: международные и национальные аспекты</p> <p>Аннотация: В статье рассмотрено современное состояние учета капитальных инвестиций, практические проблемы ведения учета на предприятиях, разработанные в нашей стране методические рекомендации в условиях цифровой экономики, пути совершенствования учета капитальных вложений путем сравнения содержащихся в этих документах правил регулирования капитальных вложений с процедурами, содержащимися в международных стандартах финансовой отчетности.</p> <p>Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности, цифровая экономика, инвестиции, капитальные инвестиции, основные средства, нематериальные активы, учет капитальных вложений, бухгалтерский учет, источники финансирования капитальных вложений.</p>	<p style="text-align: center;">Z.Mukhammadiev</p> <p style="text-align: center;">Improvement of capital investment accounting on the basis of international standards of financial reporting: international and national aspects</p> <p>Abstract: The article examines the current state of accounting for capital investments, practical problems of accounting at enterprises, methodological recommendations developed in our country in the context of the digital economy, ways to improve the accounting of capital investments by comparing the rules for regulating capital investments contained in these documents with the procedures contained in international financial reporting standards.</p> <p>Keywords: international standards of financial reporting, digital economy, investments, capital investments, fixed assets, intangible assets, capital investment accounting, accounting, capital investment financing sources.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.